ФРАНЦУЗ АТИРИГА БУХОРОЧА ЗАРҒИЛОФ

БУХОРО. Парижда бўлиб ўтган ҳунармандларнинг халқаро ярмаркасида "Бухоро зардўзи" очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти чеварлари қўлидан чиққан 20 хилдан кўпроқ маҳсулотлар кўпчиликни мафтун этди. Йирик фирмаларнинг вакиллари зардўзлик маҳсулотларини харид қилиб, янги буюртмалар бердилар. Жумладан, дунёга машҳур Франция атир шишалари учун зарғилофлар тикиб беришга Париждаги йирик атир-упа фабрикаси буюртма берди. Чеварларимиз бундай буюртмани адо этишга киришдилар.

Даврон БАҲРОНОВ.

СЎНГГИ СОАТДА

ДАМКЎЛДА ЯНГИ МАКТАБ

НАМАНГАН. Мингбулоқликлар қишлоқ жойларида замонавий мактаб бинолари бўлишига эътиборни қаратдилар. "Хоразм" жамоа хўжалиги ҳудудидаги Дамкўл қишлоғида 360 ўринли мактаб биносининг қуриб битказилиши бошланган хайрли ишнинг дебочасидир. Вилоят ҳокимининг ўринбосари Д. Дадажонованинг фикрига қараганда, бундай ишлар ўзига хос дастурга мувофиқ амалга оширилади.

Маҳмуджон ПАРПИЕВ.

ВОҚЕАЛАР, ХАБАРЛАР

ОҚАРИШИБ КЎРИНАДИ УЙЛАРИНГИЗ

ҚАШҚАДАРЁ. Усмон Юсупов туманидаги Янгимиришкор қишлоғида охак цехи фойдаланишга топширилди. 127-қурилиш-таъмирлаш участкасидаги бу цехда беш тоннагача тош охакка айлантирилмоқда. Туман ҳокимининг муовини Мурод Жўраевнинг таъбири билан айттанда, бундан буён қишлоқ уйлари оппоқ тусга киради. Янгимиришкор олисолислардан оқаришиб кўрингусидир.

Файзулла ЭШҚУЛОВ.

ЯНГИЛИКЛАР, ФАКТЛАР

АСАЛ МЎЛ БЎЛАДИ

ФАРҒОНА. "Фарғона" асаларичилик жамоа хўжалигининг Баннопжон Умурзоқов бошчилик қилаётган оилавий фермер хўжалиги ўтган йили 100 та асалари уясини парвариш қилганди. 2,2 тонна бол топшириб, салкам бир миллион сўм соф фойда олган. Яқинда эса, ўз эҳтиёжларидаги асалари уясидан 1,8 ўрнига 2 тонна юқори сифатли шифобахш асал етиштирди. Бу маҳсулотнинг ҳаммаси Марказий Осиё ва хорижий давлатларга жўнатилди. Улар йил охиригача яна шунча асал етиштиришни мўлжаллашмоқда.

Тошмат ҲАМИДОВ.

СЎНГГИ СОАТДА

ҚИЗИҚАРЛИ АНЖУМАН

ТОШКЕНТ. Кеча ТошДУ қошидаги Олий педагогика институтида "Ўзбекистонда демократик ислоҳотлар: якунлар, муаммолар, вазифалар" мавзусида илмий-методик конференция бўлиб ўтди. Унда профессорлар Шамсиддин Шаропов, Қамариддин Усмонов, Ўткир Ҳайдаров, Зайниддин Исломов ва Равшан Сангировлар "Ўзбекистонда демократик ва сиёсий тизим асосларининг яратилиши ва уни такомиллаштириш вазифалари", "Маънавият ва маърифат — тараққиёт омили", "Ҳуқуқий ислоҳотлар ва аҳолини ҳуқуқий тарбиялаш вазифалари", "Кўппартиявийлик ва сиёсий мухолифат — жамиятни демократлаштириш кафолати" мавзуларидаги маърузалари конференция қатнашчиларида катта таассурот қолдирди.

Тожиддин ҒАЙБУЛЛАЕВ.

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1996 йил 21 ноябрь, пайшанба № 149 (22.070).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

ТУРКМАНИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНГА ТАШРИФИ ХУСУСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг таклифига биноан Туркманистон Президенти Сапармурот Ниёзов шу йил 27-28 ноябрь кунлари расмий ташриф билан Ўзбекистонда бўлади.

ИШОНЧ ЁРЛИҚЛАРИ ТОПШИРИЛДИ





А. ТЎРАЕВ ва Р. ШАГАЕВ (ЎзА) олган суратлар.

20 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга Канаданинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Энн Лейҳи хоним ишонч ёрлиғини топширди.

Президент Ислом Каримов икки мамлакат ўртасидаги муносабатлар мустаҳкамланиб бораётганини қайд этар экан, Ўзбекистон мустақилликка эришганидан кейин барча давлатлар каби Канада билан ҳам кенг ҳамкорлик қилишга интилаётганини таъкидлади. Ислом Каримов мамлакатларимиз ўзаро манфаатли ҳамкорликни равнақ топтириш учун улкан имкониятларга эга бўлишига қарамай, бугунги кунда улардан тўла фойдаланилмаётганини қайд этди.

Энн Лейҳи хоним икки давлат муносабатларини мустаҳкамлаш, ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш йўлида кучғайратини аямаслигини изҳор қилди.

Мамлакатимиз раҳбари элчининг янги масъулиятли ва шарафли вазифани адо этишида муваффақият тилади.

***

Шу куни Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовга Чехиянинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Лубош Добровски ҳам ишонч ёрлиғини топширди.

Маълумки, Чехия билан мамлакатимиз ўртасидаги алоқалар кеча ёки бугун ўрнатилгани йўқ. Халқимиз Чехия, унинг бир қанча машҳур фирмалари ва сифатли маҳсулотлари билан яхши таниш. Ўзбекистон мустақилликка эришгач, икки давлат муносабатлари янги шакл ва мазмун касб этди. Президент Ислом Каримов ана шу ҳақда сўзлар экан, айни пайтда нафақат савдо-иқтисодий, балки бошқа кўплаб соҳаларда ҳам кенг ҳамкорлик қилиш имкониятлари мавжудлигини таъкидлади.

Лубош Добровски икки мамлакат ҳамкорлиги равнақи йўлида меҳнат қилишни ўзи учун шараф деб билишини ва бунинг учун қўлидан келганича саъй-ҳаракат кўрсатишини таъкидлади.

***

Жазоир Халқ Демократик Жумҳуриятининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Риам Абдулқодир 20 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга ишонч ёрлиғини топширди.

Президент Ислом Каримов элчини шарафли ва масъулиятли лавозимга тайинланганлиги билан қутлади. Юртбошимиз Ўзбекистоннинг араб давлатлари, жумладан Жазоир билан муносабатлари азалдан яхшилигини, айни кунларда бу алоқалар янада тараққий топаётганини мамнуният билан таъкидлади. Элчининг ўзаро бир-бирига ҳурмат руҳида ривожланаётган Ўзбекистон ва Жазоир ўртасидаги муносабатларни янада мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшишига умид билдирди.

Риам Абдулқодир Президент Ислом Каримовга ишонч ёрлиғини топширишдан мамнунлигини таъкидлар экан, элчилик фаолиятини халқларимизнинг азалий дўстлик ва ҳамкорлик алоқаларини янада кенгайтиришга қаратишини айтди.

***

20 ноябрь куни Польша Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Богуслав Качински ҳам Президент Ислом Каримовга ишонч ёрлиғини топширди.

Юртбошимиз элчидан ишонч ёрлиғини қабул қилар экан, Польша раҳбариятининг мамлакатимизда элчихона очишга қарор қилгани нафақат сиёсий, иқтисодий, шунинг билан бирга ахлоқий аҳамият касб этишини таъкидлади. Зеро, уруш йиллари Ўзбекистонга келган поляклар халқимиз билан оғир кунларни бирга бошдан кечирганини, дўст ва биродар тутинганини, уларнинг айримлари Ватанимизда дафн этилганини эслатди. Ислом Каримов шунингдек, элчининг масъулиятли фаолиятига муваффақият тилади.

Элчи Ўзбекистон раҳбарининг Польшага ташрифи муҳим воқеа бўлганини қайд этар экан, сафар чоғида икки мамлакат ўртасидаги муносабатларнинг ҳуқуқий асослари яратилганини таъкидлади. Элчи сифатида икки томон учун ҳам манфаатли бу ҳужжатларни амалга татбиқ этишда ҳисса қўшиш ниятини билдирди.

Ишонч ёрлиқларини топшириш маросимларида Ўзбекистон ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов иштирок этди.

(ЎзА).

Танқиддан сўнг

РАИСНИНГ ҲОМИЙСИ КИМ?

Сирдарё вилояти ҳокимлиги диққатига

Жамоа хўжалиги раиси лавозимида ишлаб турган одам оддий бир ножоиз ҳаракат билан ҳам обрўйини тўкиб қўйиши мумкин. Бордию эл назарида турган раҳбарни жиноий жавобгарликка тортиш ҳақида гап кетгудек бўлса, раис шаънига қанчалик доғ тушишини тасаввур қилаверинг. Аммо ўлимдан бошқа нарсанинг иложи бор экан — энг муҳими, нозик паллада балолардан сақлаб қолувчи ҳомийлар туфайли Сайдазим Синдоровнинг мушугини «пишт» дейдиган одам топилмаяпти.

Сирдарё туманидаги «Синдоробод» жамоа хўжалиги раиси лавозимида ишлаб келаётган бу зотнинг қилмишлари ҳақида газетамизнинг 1995 йил 20 июль сонида «Қинғир ишнинг қийиғи» мақоласида муфассал баён қилинганди. Агар бу маълумотлар кифоя қилмаса, муҳтарам муштарийларга «Қишлоқ ҳақиқати» (ҳозирги «Қишлоқ ҳаёти») газетасининг 1994 йил 19 август сонидаги «Юлғич жойижаҳаннам» сарлавҳали фельетон билан танишишни тавсия қиламиз.

Ортиқча тафсилотларга берилмай «Ўзбекистон овози»да С. Синдоровга нисбатан билдирилган гапларни эслатайлик. Гап шундаки, хўжаликда 37.264.000 сўмлик 18.632 килограмм (714 қоп) лимон қоғозда Чирчиқдаги озиқ-овқат комбинатига юборилди деб, амалда эса Санкт-Петербург ва Минск шаҳарларига сохта йўллар билан олиб кетилган. Нуқул ўз нафсини ўйлаган гуруҳ аъзолари бу айбномадан тонишга уринишди. Лекин лимончилар шохида юришса, тергов органларининг ходимлари баргида бўлишди: прокуратура ходимлари лимонфурушларнинг қачон қайси меҳмонхонада тунашганию молни пуллаш учун кимлар билан мулоқотда бўлганларини, лимон пулига ГАЗ-31 машинаси олиб келишганини рад қилиб бўлмас далиллар билан исботлашди.

Одатда масъул лавозим эгаси (бу ўринда С. Синдоров) жиноий ишда иштирок этганлиги аниқланса нима бўлади? Албатта, бу ҳақда юқори идорага расман хабар қилинади. Вилоят прокуратураси худди шундай қилди: 1994 йил 20 сентябрда Сирдарё туман ҳокимига бир қатор одамларнинг ўз лавозимларида қолиш-қолмаслик масаласини кўриб чиқишни сўради. Туман ҳокими Эркин Мавлонов (ҳозирда собиқ) «пахта мавсуми билан банд бўлганлиги учун» бу ҳужжатни сейфнинг тўрида сақлаганлигини газетамиз ёзганди. Бу орада, ҳеч нарса бўлмагандай, раисни туман кенгаши депутатлигига номзод қилиб кўрсатишди. Прокуратура яна расмий хат йўллади: С. Синдоров жиноий жавобгарликка тортилганлиги сабабли унинг номзодини депутатликка рўйхатга олиш мақсадга мувофиқ эмаслигини эслатди.

Шу ўринда С. Синдоровга маслаҳат беришди: бир амаллаб депутат бўлсанг, марра сеники, у ёғига қўллаб юборамиз. ЎзХДП туман кенгаши (албатта ҳоким билан келишган ҳолда) номзод муқаддам судланмаганлиги сабабли (?) уни рўйхатдан чиқармасликка қарор қилди.

Жиноят ишининг тақдири нима бўлди дерсиз? Охирги манзил бўйича гап бундай: вилоят ҳокими Ғ. Ҳасанов (ҳозирда собиқ) орадан 13 ой (!) ўтгач таҳририятимизга хабар қилишича, 1995 йил 31 декабрь куни дастлабки тергов айбланувчиси Рустам Шаропов топилгунга қадар тўхтатилган. Раисга қолса унинг топилмагани маъқул, яна судлашиб юрадими? Қолаверса унинг қонуний қалқони — депутатлик даҳлсизлиги бор. Майли, ишни поёнига етказиш, зеру забарини мукаммал қўйишни ҳуқуқий идоралар қонунга биноан ҳал этаверсинлар. Лекин шу ўринда савол туғилади: хўш, ҳуқуқ-тартибот ходимлари томонидан айбланган, газеталарда қайта-қайта фош этилган раиснинг ҳомийлари ким экан?

Мамлакатимиз Президенти Сирдарё вилоят кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида вилоятда кадрларни танлаш ва вазифаларга қўйиш ишида манфаатпарастлик, шахсий садоқат устун келганлигини рўй-рост айтдилар. Ўйлаймизки, Сирдарё вилояти ҳокимлигининг бугунги раҳбарлари матбуот чиқишларига ўз вақтида, холис муносабат билдирадилар.

Шуҳрат ЖАББОРОВ,
«Ўзбекистон овози»нинг махсус мухбири.

Муносабат

ЮРТ ИШҚИДА ҚУЙЛАЙМИЗ

Ватанга бўлган муҳаббат, фидойилик, садоқат туйғулари энг аввал баланд пардадаги қўшиқларда куйланади. Юрт ишқи, яратувчан халқ қаҳрамонларини мадҳ этувчи қўшиқлар мажмуаси бўлган «Ўзбекистон — Ватаним маним» кўрик-танлови бунинг ёрқин ифодаси бўлди десак муболаға эмас.

Куни кеча Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг анъанавий қўшиқ байрамини утказиш ҳақидаги қарори мустақил Ватанимиз зарварақларида тарихий воқеа бўлиб қолиши шубҳасиз. Таъкидлаш жоизки, бу юртбошимизнинг республикамиз маънавий ҳаётига бўлган галдаги эътибори, ғамхўрлиги ифодасидир. Халқимиз ўртасида бу қўшиқ айёмининг кенг тарғиб қилиниши, улар қалбидаги ифтихор-ғурур туйғуларининг янада шаклланишига улкан туртки бўлади.

Мустақиллигимизни кўз қорачигидек авайлаб-асраш, уни қўшиқларда улуғлаш мазкур санъат байрамида ўз ифодасини топади деб ўйлаймиз. Шубҳасиз, танлов жараёнида юксак бадиий савиядаги мусиқа асарлари яратилади.

Норқобил ЖАЛИЛ,
«Ўзбекистон овози»нинг санъат масалалари бўйича шарҳловчиси.

САНЪАТИМИЗ ЮЛДУЗЛАРИ — «ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» ОБУНАЧИЛАРИ



Кеча саҳнамизнинг икки дарғаси муштарийларимиз сафидан жой олишди. Хўш, уларнинг ҳамкасблари-чи?

«АГАР ОГОҲСЕН, ШОҲ СЕН-СЕН...»

Айни баҳор эди. Лолақизғалдоғу чучмомалар, турфа гиёҳлар Нурота даштларига гиламдай тўшалган. Бундай кезларда, чўлдай сулув, чўлдай баҳаво, чўлдай серзавқ макон йўқдай туюлади жаҳонда. Дала — даштлар ошиб, Қизилча яйловларининг олис-олисларида, Айдаркўл соҳилларида қўй боқиб юрган чўпонбобога дуч келдик. Бобо ярим коса қатиқ устида биз — шаҳарлик меҳмонларни шунақанги саволларга кўмиб ташладики, тўғриси, ҳаммамиз ҳайрон қолдик. «Отахон, чўлда яшасангиз ҳам оламдаги воқеаларнинг ҳаммасидан хабардор экансиз, — деди ҳамроҳларимиздан бири ҳайратини яшира олмай, — ҳар куни газета ўқиб, телевизор кўриб турасизми, а?»

— Телевизор кўришга вақт қайда, ўғлим, — деди отахон жилмайиб. — Бир ой, ярим ой деганда уйга кириб чиқишга аранг вақт топамиз-у... Газет'деганлариям камайиброқ қолдими, билмадим, почтачини ойда, йилда узоқдан бир кўриб қоламиз. Яхшиямки, бахтимизга манави бор экан, — отахон шу сўзларни айта туриб чакмони остидан ранги унниқиб кетган миттигина радиони кўрсатди. — Буйнимизга тумордай осиб олганмиз. Шу бор, елгизликни унутиб, овуниб, ҳудога шукур қилиб юрибмиз. Дунёнинг иссиқ-совуғи, паст-баланд гапларияним шу айтиб туради бизга.

«Радионинг кашф этилиши инсоният тарихидаги энг ноёб муъжизалардан биридир!» «Дунёда радиодай беминнат, содиқ, самимий йўлдош йўқ!» қабилидаги таърифу тавсифларни кўп эшиттанмиз. Лекин, узоқ Нурота яйловларидаги отахоннинг сўзлари барча таърифлардан қимматли ва қадрли эди биз учун.

Отахоннинг фикрини давом эттириб яна шуни айтиш мумкинки, ўтган беш йил ичида Ўзбекистоннинг ижтимоий тараққиётида телевидение ва радионинг ролини ошириш чора - тадбирлари тўғрисида Президентимиз Фармонлари, Республика Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари қабул қилинди. Мазкур ҳужжатларда, суверен давлатимизда амалга оширилаётган иқтисодий - ижтимоий ислоҳотларни чуқурлаштириш жараёнида радио олдига ғоят муҳим вазифалар қўйилди.

Хусусан, радиоэшиттиришларида республикадаги ўзгаришларнинг туб моҳиятини, халқнинг маънавий ва моддий тикланишини, руҳиятини, давлатчилигимиз асослари ва унинг ички — ташқи сиёсатини, жаҳон ҳамжамиятидаги фаол иштирокини ҳар томонлама чуқур таҳлил этувчи дастурларни кўпайтириш зарурлиги белгилаб берилди. Барча ижодий куч ва имкониятларни аҳолини демократик жамият қурилишига фаол жалб этишга, фуқароларни умуминсоний қадриятларга, бой миллий меросга хурмат руҳида тарбиялашга, ҳуқуқ келаётган авлодда юксак маънавий фазилатлар, миллий ўз-ўзини англаш, Ватанга меҳр-муҳаббат ва садоқатни шакллантиришга йўналтириш лозимлиги кўрсатилди.

Республика радиоси жамоаси юқоридаги вазифаларни адо этиш йўлида баҳоли қудрат меҳнат қилмоқда. Ўтган йилларда радиодастурларида қатор ижобий ўзгаришлар юз берди. Янги рукнлар, радиожурналлар, радиобаёзлар тингловчилар эътиборига ҳавола этилди. Эшиттиришларнинг умумий ҳажми 48 соатдан 88 соатга етганлиги эса алоҳида таъкидлашга лойиқдир. Ўзбекистон радиоси бугун собиқ иттифоқдош республикалар орасида Россиядан кейин энг кўп эшиттиришлар тайёрлаётган радиостанцияга айланди. У ҳар куни ўзбек, рус, қозоқ, тожик, крим-татар ва қозонтатар тилларида 72 соат, инглиз, немис, турк, араб, ҳинд, хитой, урду, форс дарий, пушту, уйғур ва ўзбек (хориждаги ватандошлар учун) тилларида 16 соат эшиттиришлар тайёрлаб, ҳаво тўлқинларига узатмоқда. Бундан ташқари, Қорақалпоғистон республикаси радиоси ҳафтасига 45 соат, вилоят радиолари 84 соат, 23 та шаҳар радиолари эса 1 соату 15 дақиқадан эшиттиришлар тайёрламоқда.

Ўзбек радиосининг Би-Би-Си, «Озодлик», «Немис тўлқинлари», «Америка овози» каби жаҳондаги энг йирик радиолар билан алоқалар ўрнатиб, ижодий ҳамкорликларни йўлга қўяётгани ҳам қувончли ҳодисадир. Мамлакатимиз халқларининг ишончли ва ҳилма-ҳил ахборотларга бўлган эҳтиёжини қондириш, уларни Ватанимизда, жаҳоннинг бошқа давлатларида рўй бераётган турли янгиликлар билан энг биринчи бўлиб хабардор қилиш йўлида жиддий ўзгаришлар бўлаётир. Лекин биз ушбу мақолада радио дастурлари, уларнинг мазмуни, ютуқлари, камчилик ёки режалари ҳақида фикр юритмоқчи эмасмиз. Бизни ғоят ачинарли бошқа бир муаммо — юртдошларимизнинг радио — эшитишдан маҳрум бўлиб қолишаётгани қаттиқ ташвишга солаётир. Аянчлиси шундаки, республикамизнинг барча шаҳар ва қишлоқларида радио нуқталар сони тобора камайиб бормоқда. Энди фактларга мурожаат қилайлик.

Мана.

СУРХОНДАРЁ

вилоятидаги аҳвол:

Бундан 3-4 йил муқаддам вилоятда 154 минг 553 та радионуқта мавжуд эди. Бугунга келиб уларнинг сони 138 минг 612 тага тушиб қолди. Демак, вилоят миқёсида ўтган қисқа вақт ичида 16 мингдан кўпроқ радионуқталар узиб қўйилган.

— Бунга асосий сабаб — кўпгина ташкилот ва корхоналарнинг иқтисодий тангликни баҳона қилиб, радионуқталарини ўздириб ташлашидадир. Ваҳоланки, корхона ва ташкилотлар ҳар бир радионуқта учун ойига 20 сўм, аҳоли эса 4 сўм тўлайди, холос. Лекин, шунчалик арзон бўлишига қарамай ташкилотлар эътироз билдиришни кучайтириб юборишаётир. Мисол учун, Термиз шаҳрида бирқанча корхоналар ва ташкилотлар жойлашган. Лекин, қанчалик уринмайлик, шаҳарда радионуқталарни кўпайтиришнинг иложи бўлмаяпти. Фақатгина шаҳар халқ таълими ва тиббиёт муассасаларида бир ойнинг ўзида 700 га яқин радионуқталардан воз кечамиз дея мурожаат қилишди. Улар маблағ йўқлигини ва радионуқталар нархининг қимматлигини рўкач қилмоқдалар, — дейди Сурхондарё вилоят электр алоқа — ишлаб чиқариш корхонасининг алоқа бўлими бошлиғи Гули Назарова мухбиримиз билан суҳбатда.

Сариосиё, Узун, Денов, Олтинсой, Шеробод, Бандихон туманларининг хўжаликлари эса умуман радиолаштирилмаган. Туман марказлари, деҳқон бозорлари, истироҳат боғлари, дала шийпонлари, маҳалла гузарлари, жамоат жойлари, қишлоқ марказларида радионуқталар мутлақо йўқ. Аввал урнатилган радиокарнайлар ҳам талон — торож бўлиб кетган.

Ваҳоланки, республика радиосидан ташқари Сурхондарё худудида вилоят радиоси ҳафтасига етти соат, Денов шаҳар радиоси эса бир соату 15 дақиқа эшиттириш беради?!

Сурхондарёдаги аҳвол ана шундай.

Ҳуш, унга ёндош бўлган

ҚАШҚАДАРЁ

вилоятида мазкур соҳадаги манзара қанақа экан?

Айни пайтда бу вилоятда 148 минг 192 та радионуқта бўлиб, улар шаҳар ва туманлардаги 91 та радиоузел орқали фаолият кўрсатмоқда. Шундан вилоят шаҳарлари ва туман марказларида 55 минг 967 та, қишлоқларда эса 62 минг 235 та радионуқта мавжуд. Бу, ҳар юз аҳолига шаҳарларда 12 та, қишлоқларда эса 6 та радионуқта тўғри келади, демакдир.

— Радиоузеллар ўз ҳисобларида бўлган вилоят хўжаликларида радионуқталарнинг аҳволи жуда аянчли. Хўжалик раҳбарлари томонидан молиявий масалалар ҳал этилмаётганлиги сабабли радиоузелларнинг узлуксиз ишлаши таъминланмаяпти, — дейди мухбиримиз билан суҳбатда вилоят электр алоқа ишлаб чиқариш корхонаси бўлими бошлиғи Холмирза Қурбонов.

Баҳористон, Муборак, Касби, Усмон Юсупов, Деҳқонобод, Чироқчи, Ғузор туманларидаги кўплаб хўжаликлар эса шу пайтгача умуман радиолаштирилмаган. Ҳуш, Ўзбекистон радиосидан ташқари вилоят радиосининг ҳафтасига етти соатдан эфирга узатаётган эшиттиришларини кимлар эшитяпти?

Радиоэшиттириш муаммоси, эҳтимол

БУХОРО

вилоятида бироз тузукроқдир, деб ўйларсиз. Қани энди шундай бўлса?!

1995 йил аввалигача вилоятда 169 минг 200 та радионуқта мавжуд эди. 1995 йил мобайнида вилоятдаги радионуқталар сони 17 минг 100 тага камайди. Ана шу узиб қўйилган радионуқталарнинг 11 мингтаси корхона ва ташкилотлар, 6 мингтаси эса вилоят аҳолиси ҳисобига тўғри келади.

Ҳозирги кунда вилоят миқёсида 152 минг 100 та радионуқта ишлаб турибди. Радионуқталарнинг камайиши вилоятнинг барча шаҳар ва туман электр алоқа тизимларида кузатилмоқда. Бухоро шаҳри, Ғиждувон, Бухоро, Ромитан, Когон ва Вобкент туманларида радионуқталарнинг камайиши бошқа туманларга нисбатан анча юқори.

— Бунинг сабаблари кўп, — дейди мухбиримизга вилоят давлат электр алоқа — ишлаб чиқариш корхонаси бош муҳандиси Уроқ Тўхтаев. — Бир томонда корхона ва ташкилотларда одатдагидек иқтисодий қийинчиликларни рўкач қилиш бўлса, яна бир томонда радио хизмати учун тўловларни ўз вақтида тўламасдан келинаётганидир.

НАВОИЙ

вилоятидаги манзара бироз бошқачароқ.

— Вилоятимизнинг Навоий, Зарафшон, Учқудуқ шаҳарлари, туман марказлари, хўжаликлари, саноат корхоналари, аҳоли уйларининг аксарияти радионуқталари билан таъминланган. Вилоятимиз ҳудуди асосан Қизилқум саҳросида жойлашгани учун узоқ яйловлардаги қишлоқларни, тоғ этакларидаги овулларни радиолаштиришнинг имкони йўқ. Лекин, кейинги пайтларда мавжуд радионуқталардан ҳам фойдаланиш қийин бўляпти. Эҳтиёт қисмларнинг етишмаслиги сабабли шаҳар ва туманларда радиоузелларнинг тўхтаб қолиш ҳоллари юз бермоқда. Минг-минглаб навоийликлар республика эшиттиришларини эшитишдан маҳрум бўлиб қолаётганликларидан хабаримиз бор, — дейди мухбиримизга вилоят электр алоқалар бошқармаси бош мухандисининг муовини Раббим Бозоров. — Навоий шаҳри ва вилоятдаги баъзи ташкилот раҳбарларининг айби билан саноат корхоналарида, ётоқхоналарда, болалар боғчаларида, касалхоналарда радионуқталар учириб қўйилмоқда. Масалан, Нурота, Хатирчи, Конимех, Қизилтепа, Кармана, Томди, Навбаҳор туманларида электр энергиясининг учириб қўйилганлиги боис радиоузеллар ишламаган. Натижада шу йилнинг биринчи чорагида 230 соатлик эшиттиришни навоийликлар тинглаш имкониятига эга бўлмади. Ўтган 1995 йил мобайнида 670 та радионуқталарни узиш учун ташкилот ва корхоналардан талабномалар тушди.

Радиотадқиқотлар шуни кўрсатяптики, жойлардаги хўжалик раҳбарлари радиоузелларга сарфланаётган электр энергияси учун маблағ сарфлашни хоҳламайдилар. Натижада, минглаб кишилар радиодастурларини, мамлакатимиз ҳаётига оид ижтимоий-сиёсий воқеаларни, янгиликларни ўз вақтида эшита олмаяпти.

Ҳали Навоий вилоятида ҳам радиолаштирилмаган жойлар оз эмас. Баъзи шаҳар ва туманлардаги тингловчилар республика радиосининг иккинчи, учинчи дастурларини умуман эшита олмайди.

САМАРҚАНД

вилоятида 1995 йилнинг 1 январигача 130 минг 814 та радио нуқта ишлаб турган эди. Бир йил ичида, яъни 1995 йил мобайнида уларнинг сони 8 минг 185 тага камайиб кетди. 1996 йилнинг 1 январигача бўлган маълумотлар асосидаги қуйидаги рақамларга эътибор беринг: Ғузалкент тумани бўйича 745 та, Жомбой тумани бўйича 360 та, Каттақўрғон шаҳри бўйича 1 минг 45 та, Нуробод тумани бўйича 118 та, Тойлоқ тумани бўйича 494 та, Булунғур тумани бўйича 560 та, Челак тумани бўйича 518 та, Самарқанд шаҳри бўйича 2 минг 444 та радионуқталар иқтисодий қийинчилик баҳонасида узиб ташланган. Шу йилнинг биринчи чорагида ҳам радионуқталар 542 тага камайган.

— Вилоятимиздаги кўплаб ташкилотлар, муассасалар, хўжаликлар, ҳатто ҳокимликлар радионуқталарни узиб ташлашни сўраб, бизга хат ёзмоқдалар, — дейди мухбиримизга вилоят электр алоқа ишлаб чиқариш корхонасининг бош муҳандиси Юсуф Жабборов. — Мисол учун Челак туманидан келган талабнома асосида шу йилнинг ўзида 200 га яқин радионуқталар узиб қўйилди. Самарқанд шаҳрида бу кўрсаткич 150 тани ташкил этади. Пахтачи, Каттақўрғон, Қўшработ туманларидан ҳам ана шундай хатлар олганмиз.

ЖИЗЗАХ

вилоятидаги аҳвол янада аянчлироқ.

Мухбиримиз радионуқталар фаолиятини ўрганишни вилоят маркази — Жиззах шаҳрининг Иттифоқ маҳалласидан бошлади. Маҳалланинг 68 та кўп қаватли уйларидан бор-йўғи 28 таси радиолаштирилган. Хонадонлардаги радионуқталар эса умуман ишламайди. Аҳолининг мурожаат қилишларига қарамасдан, бу соҳанинг мутасадди раҳбарларидан шу пайтгача садо чиққан эмас.

Шаҳарнинг «Заргарлик» маҳалласида истиқомат қилаётган 2 минг 223 та хонадондаги радионуқталар ҳам мутлақо ишламайди. Мазкур маҳалладаги 52 та кўп қаватли уйлар бир маҳаллари радиолаштирилган эмас эди. Лекин, бугунги кунда уларнинг ҳаммаси гунг — жим турибди.

— Бундан ўн беш йил аввал вилоятимизда 43 минг 700 га яқин радионуқталар фаолият кўрсатган. Бугунги кунда эса атиги 19 минг 400 та радионуқта ишлаяпти, холос. Бир пайтлар тўлиқ радиолаштирилган Фориш туманида бугун радионуқталар умуман йўқ. Ғаллаорол туманида ҳам электр линияларини таъмирлаш, қайта қуриш натижасида 2 ярим мингдан зиёд радионуқталардан бор-йўғи 458 таси ишлаб турибди. Жиззах шаҳрида олиб борилган қурилиш ишлари натижасида радионуқталар сони 3 минг 374 тага камайиб кетди. Бу ҳол вилоят раҳбарларини мутлақо ташвишлантирмаяпти, — дейди мухбиримизга вилоят электр алоқа ишлаб чиқариш корхонаси бўлим мухандиси Жуман Очилов.

СИРДАРЁ

вилоятида ҳам радиотингловчиларнинг хоҳиши ва истакларига парво қилмаслик кайфияти ҳали ҳануз ўзгарган эмас. 1990 йилгача ишлаб турган 55 минг радионуқтанинг бугунда икки баробар камайиб кетганининг ўзиёқ фикримизни тасдиқлаб турибди. Кўпгина корхона ва хўжаликлар хизмат ҳақини ўз вақтида тўламаганлари туфайли қарзга ботиб қолишди. Ҳозиргача ана шу ташкилотларнинг вилоят электр алоқа — ишлаб чиқариш корхонаси олдидаги қарзлари 50 миллион сўмдан ошиб кетди. Радиоузеллар фаолияти ҳам яхши эмас. Уларнинг аксарияти эҳтиёт қисмлари йўқлиги сабабли ишламаяпти.

АНДИЖОН

вилоятида 1995 йилнинг 1 январигача 178 минг 469 та радионуқта мавжуд бўлган. 1995 йилда ана шу радионуқталари 4 минг 454 тага камайган. Жумладан, 2 минг 522 та хонадонда, 1 минг 942 та корхона ва ташкилотларда, 746 та мактаб, боғча ва шифохоналардаги радиолар узиб қўйилган. Қўрғонтепа электр алоқа тизими ихтиёридаги бир минг эллик бешта, Шаҳрихон электр алоқаси тизимига қарашли 690 та радионуқталар ҳам ишламайди. Охунбобоев, Олтинкўл, Марҳамат, Асака, Хонабод электр алоқаси тизимларида ҳам худди шундай аянчли аҳволни кузатиш мумкин. Давлат бюджетидаги 746 та радионуқталар ишламайди. Бугунги кунда вилоят бўйича бор - йўғи 174 минг 327 та радионуқта ишлаб турибди, холос.

Радиоларни узиб ташлаш бўйича вилоятлараро киши билмас ўтказилаётган ўзига хос «пойга»да

ХОРАЗМ

лик ёшуллилар ҳам олдинги қаторда боришмоқда.

Ўтган 1995 йили бу вилоятда ўн бир минг радионуқта узиб қўйилган. Шу йилнинг ўтган ойларида эса яна 870 та радионуқта ўз фаолиятини тўхтатди. Охир — оқибат Хоразмдай бир вилоятда ишлаши мумкин бўлган радионуқталар сони 62 минг 167 тага тушиб қолди.

— Радионуқталарни учириш тўғрисидаги талабномалар асосан корхона ва ташкилотлардан тушяпти, — дейди мухбиримизга вилоят давлат электр алоқа ишлаб чиқариш корхонаси муҳандиси Абдураҳим Абдураҳмонов. — Улар абонент ҳақи қиммат деган баҳонани рўкач қиладилар.

Лекин таҳлиллар электр-алоқа ходимларининг ҳам анчагина камчиликлари борлигини кўрсатди. Радиотармоқларга эътибор берилмаслиги эшиттиришлар сифатига жиддий таъсир қиляпти ва, оқибатда, овоз пасайиб, тингловчига тушунарсиз ҳолатда етказиб берилмоқда. Бу эса ўз-ўзидан хоразмликларнинг норозилигига сабаб бўлмоқда.

ФАРҒОНА

Бугунги кунда бу вилоятда 52 та радиоузел ишлаб турибди. Ана шу тармоқлар орқали 188 минг 322 та радионуқта тингловчиларга хизмат кўрсатмоқда. Бундан беш йил олдин вилоятда уларнинг сони 222 минг 400 та эди. Эътиборсизлик туфайли шу йиллар орасида 34 мингтага камайиб кетди. Фарғона вилоят давлат электр алоқа ишлаб чиқариш корхонаси бош муҳандиси Омонулла Қосимов бунинг сабабларини корхонанинг хусусийлаштирилиши, симёғочларнинг камёблиги, симлар нархининг қимматлиги, радиоузеллар учун эҳтиёт қисмлар, лампаларнинг етишмаслигида, деб изоҳлади.

Мухбиримиз Фарғона шаҳрининг Жуйдам маҳалласида бўлганида маҳалла аҳли мавжуд радионуқталар мутлақо талабга жавоб бермаслиги, 50-йилларда урнатилган симёғоч ва симлар ҳанузгача таъмирланмагани, хонадонлардаги радиолар ўн кун ишласа, ўн беш кун ишламаслигини қўйиниб гапириб беришди.

Вилоят марказидаки аҳвол шундай бўлганидан кейин, туманлар, чекка қишлоқларда радиолаштиришнинг аҳволи ҳақида гапиришнинг ўзи ҳам, эҳтимол, ортиқчадир...

Қорақалпоғистон Республикаси, Наманган, Тошкент вилоятлари ва Тошкент шаҳрида ҳам радиоэшиттириш муаммоси бошқа вилоятлардагидан ёмон бўлса ёмон, аммо яхши эмас.

Ҳозирги шароитда аҳолини ахборот ва янгиликлардан хабардор қилишда радио энг қулай восита ҳисобланади. Мамлакатимиз фуқароларини ана шу имкониятдан тўлароқ баҳраманд этиш учун вилоят ҳокимликлари ва тегишли ташкилотлар бу соҳага бўлган муносабатларини тубдан ўзгартиришлари зарур. Хонадонлардан ташқари, истироҳат боғлари, ҳиёбонлар, дам олиш масканлари, бозорлар, гузарлар ҳамда жамоат жойларида ҳам радиокарнайлар орқали куй-қўшиқлар янграб турса, қандай соз! Янги қурилаётган турар-жойлар, маданий-маиший иншоотлар, корхона ва ташкилот биноларига радионуқталар урнатмай кетиш ҳолига ҳам чек қўйиш лозим.

Ҳа, Президент Фармонлари ва ҳукумат қарорларининг жойлардаги ижроси ҳақида халқни хабардор қилишнинг муҳим воситаларидан бири радиодир. Қайси йўл, қандай восита бўлмасин халқимиз ўз вақтида дунё янгиликларидан хабардор бўлиши зарур. Зотан, жаҳон халқларининг томир уриши, нафас олишини сезиб, билиб турган миллатнинг маданияти, маънавияти ва иқтисодиёти ҳам юксак бўлади.

Улуғ бобомиз Алишер Навоий айтганларидек:

Эрурсен шоҳ, агар огоҳ сен-сен,
Агар огоҳсен, шоҳ сен-сен.

Абдусаид КЎЧИМОВ,
Ўзбекистон Телерадиокомпанияси раисининг ўринбосари.

Газетхон мулоҳаза қилади

ФЕРМЕРГА ҚАЧОН СЕРВИС ХИЗМАТИ КЎРСАТИЛАДИ?

Таниган, билганлар мени «Норқувват фермер» деб аташади. Вилоятда фермерлик ҳаракатига биринчилардан бўлиб қўшилганим — рост гап. Хўжалигимизга ҳозир ўғлим Рамазон раҳбар. Лекин, бу Норқувват фермер ўзини ислоҳотдан четга опти, деган гапни билдирмайди. Фермерликнинг шуниси қизиққи, бу ерда раҳбару, бўйсунувчи деган бўлиниш бўлмайди. Ишнинг уволу савобига ҳамма ўзини баравар даҳлдор деб билади. Шунинг учун ҳам бугунги ишларимиз ҳақида гапиришга жазм қилдим.

Ишларимиз ёмон эмас. Ғалладан гектарига 40 центнердан ҳосил олдик. 22 май куни 5 гектар ерга чигит экканэдик. Октябрь ойининг бошида 37 центнердан ҳосил олиб, режани бажардик. Биз томонларда жамоа хўжаликлари пахтани кўп «проблема» қилишади. Ўттизми, ўттиз бешми центнерлик режани бажармасак бўлмайди, деган шовқин-суронларни кўрсангиз, эсангиз қотади: мажлислар, бозорни-ю дўконларни ёпиш керак деган гап-сўзлар, ҳашарга олиб келиш баҳонасидаги юракни қабартирадиган мунозаралар.

Иш деганингиз, меҳнат деганингиз гап-сўзга алданмайди. Ишни иш билан, меҳнат билан кўрсатиш керак. Чорвамиз ҳақида: 50 бош қорамолимиз бор. Шартномага мувофиқ тўқимачилик фабрикасига сут, гўшт етказиб бериб турибмиз. Чорва, деганда сервис хизмати деган гапга хаёлим қочади. Газеталарнинг ёзишича, ҳозир вилоятимизда икки мингта яқин фермер хўжаликлари бор экан. Кўпи — чорва боқади. Лекин фермерларнинг сут, гўшт, тухум ишлаб чиқаришдаги ҳиссаси мақтагулик эмас экан. Шу ўринда энди ўзимдан мисол олиб қўйидагиларни айтаман. Масалан, элликта молга етадиган қилиб макками, бедами экамиз. Макка (ё бела) ўримга келади. Зир югурсак, ўрадиган техника тополмайсан. Фермерлик ҳаракатининг бошланганига беш йил бўлиб қолди. Беш йилдирки, фермерларга техник сервис хизмати кўрсатиш ҳақида гап бор. Гап бору амалий иш йўқ. Айрим фермерлар, тўғриси, қийналиб қоляпти. Ҳатто, синиб қоляпти. Бу сервис хизматини йўлга қўйиш биз томонларда ҳамон қониқарсиз аҳволда эканлигидадир. Тегишли идоралар бу муаммо ечими устида ўйлаб кўрсаларми, қишлоқда иқтисодий ислоҳотнинг йирик бўғини бўлмиш фермерлик ҳаракатини амалий жиҳатдан қўллаб-қувватлаган бўлардилар.

Норқувват ШАРОПОВ,
Жарқўрғон тумани.

Обуна — 97

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»ГА ОБУНА БЎЛДИК

Амударё туманидаги «Юлдуз» ҳиссадорлик жамияти ишчилари, инженер-техник ходимлари танаффус чоғлари «Ўзбекистон овози» газетасини ўқишни хуш кўрадилар. Уларнинг таъбири билан айтганда газетада босилаётган янгиликлар, иқтисодий ислоҳотлар, халқаро аҳвол ҳамда маънавиятимизни бойитишга хизмат қилувчи катта-кичик мақолалар кўпроқ қизиқтираркан. Умуман, пахта тозалаш заводининг «Юлдуз» ҳиссадорлик жамиятида қўлга киритилаётган ютуқлар чакки эмас. Той-той пахталарнинг дастлабкилари АҚШ, Туркия, Греция, Швейцария каби мамлакатларга жўнатилди.

— «Ўзбекистон овози» севимли газетамиз, — дейди ҳиссадорлик жамияти раиси Баҳром Жуманиёзов. — Бу газетани ёшлигимдан биламан. Кам таъминланган кишилар, уруш ва меҳнат фахрийларидан 10 кишини «Ўзбекистон овози»га жамият ҳисобидан бепул обуна қилдик. Имкониятимизни қараб чиқиб, яна 10-15 кишини обуна қиламиз.

Рейимбой ЕШИМБЕТОВ.

Шаҳрисабз туманидаги Болта Фозилов номли жамоа хўжалиги деҳқонлари бу йил ҳар гектар майдондан 55 центнердан дон йиғиштириб олишган эди. Улар келгуси йили ҳар гектар майдондан 65 центнердан дон олиш мақсадида астойдил меҳнат қилишаётир. Айни пайтда 520 гектар майдонга экилган ғалла майсалари киши кўзини қувонтиради.

Суратда: хўжалик бошқаруви раиси Бозор Эшдавлатов ижарачилардан Толиб Олимов ва Бекбўта Эргашевлар билан буғдойзорда.

Эргаш ҚУЛМУРОДОВ олган сурат.

Ўзбек хонадони

СЕРФАРЗАНДЛИК — СЕРДАВЛАТЛИК

Ўн тўрт фарзанднинг онаси — Фотима ая Зоирова билан суҳбатдан сўнг

Менга Фотима аяни «жуда болажон аёл» дейишди. Яна дейишдики, у аянинг турмушдоши Каримжон ака Зоиров ҳам худди унинг ўзидек экан. «Ўхшатмасдан учратмас» дейдилар-ку, ахир. Иккиси ҳам бола зоти «ух» деса, етмиш икки минг томири зиллайди, ўзларини қўярга жой тополмайди. Иккавларини қизилободликлар алоҳида иззатлашади. Тўй-тўйиқларда ўй тўрига чорлашади. Никоҳ маросимларида эса «болаларимиз сизлардек бўлиб юришсин, бир тилак айтинг» дея қисташади. Шундай маъракалардан бирида шаҳардан келган меҳмон аёл бир ўй хотин-халажни оғзига қаратди. Гап бола тарбиясига келганида... Эмишки, қишлоқда болалар ўз-ўзидан, думалаб-сумалаб катта бўлармиш. Уларнинг еб-ичиши, қарови унчалик эмасмиш. Фақат, шаҳардагина бола тарбияси ҳар томонлама мукаммал бўлармиш. Қишлоқнинг очиқ-чочиқ, содда аёллари меҳмоннинг сўзларини эшитиб, бир-бирларига маъноли-гина қараб олишди. Лекин, бир сўз дейишмади. Ахир, «Меҳмон — атойи худо!» Фотима ая ўша куни уйига қайтаркан аёлнинг гапларидан бир таъсирланди, бир таъсирланди... «Шаҳарми-қишлоқми, барибир — бола оладиганини ўз ота-онасидан, уйидан олади. Ахир, болани китобга қараб тарбият этмайдилар-ку!» Эҳ-ҳе, у ғудаккиналарини то йўлга киргазгунича озмунча қийналдими? Ҳар бирининг қай хасталикка кўпроқ мойиллиги, иситма қилганларида тонггача тепасида ўтириб чиққанлари, жилмайса жилмайиб, йиғласа қўшилиб йиғлаганлари, бари-барини эслади. Яратганнинг ўзи меҳрибон. Чеккан машаққатларининг ҳузур-халоватини ҳам тотиб кўраётир. Райҳон бўйига тўлган ҳовлида гоҳо Каримжон ака билан ширин суҳбат қуришади. «Болаларнинг ташвишу қувончи дедик, уй-рўзғор тирикчилиги дедик, ҳар иккови оралигида умр ҳам ўтиб кетибди, — аста сўзлайди Каримжон ака. — Баъзиларга ўхшаб Қримму Қора денгиз қилиб сайрлашмадик. Юғур-юғурлар билан сенинг кўнглингга ҳам қаролмаган пайтларим бўлди (Фотима аяга синчков бир қараб олади у). Ишқилиб, озми-кўпми буёғини қўша қариб ўтказайлик, онаси!» «Айтганингиз келсин!» — дея пичирлайди Фотима ая...

Ахир, эру хотин бахти, оила саодати бўлса, шунчалик бўлар. Хонадонда бирор йиғин ўтказилса борми, қизу келинлар, ўғилу куёвлар қатор кириб келаверишади. Зумдаёқ бобо билан буви атрофини набиралар ўраб олишади. Данагидан мағизи ширин... Фотима ая ҳам, Каримжон ака ҳам бундай пайтларда ёруғ дунёга сиғмай кетишади. Шу набираларнинг ҳам орзу-ҳавасини кўрмоқлик бахтини сўраб, дуога қўл очишади...

* * *

— Етти келинингиз бор экан, Фотима ая. Худди Фармонбибидек. Ишқилиб, бирор марта келинлар қўзғолони бўлиб ўтмадими? — дейман ҳазил аралаш.

— Худо хоҳласа, яқинда Фармонбибидан ўзиб кетаман, — дейди ая. — Буёқда яна икки ўғил бўй етиб турибди. Аллоҳга шукр, ҳовлидаги келинларимнинг барининг бирор сиру асрори борми, сизнингча?!

— Мен ўзим раҳматли қайнонам билан ўттиз йил бир ҳовлида яшаганмиз. Келин бўлиб тушганимда ҳали ўн еттига ҳам тўлмаган ғўргина бир қизалоқ эдим. Келинлик сепларим билан бирга икки-учта латта қўғирчоғимни ҳам ола келганман, денг (Ая ўша пайтларни эслабми, кулиб юборадилар). Эркагина қиз эдим-да, ота уйимда. Қўлларим ҳеч рўзғор ишига қовушмасди. Қайнонам онам бўлиб, яхши томонимни оширдилар, ёмонимни яширдилар... Шу кишидан ўрганганман, қайноналик сирларини. Агар қайнона келинни ўз боласидек кўрса, келин ҳам қайнонани ўз онасидек кўради!

— Бордию эру хотинлар жанжаллашиб қолишса-да, келинларингиз сизга ўғилларингиздан шикоят қилишса, сиз қай томонда турасиз?

— Кўп нарсани эсимга солдингиз-да, қизим. Биз гоҳида болаларнинг отаси билан уришиб қолсак, бир ҳовлида эмасмизми, қайнонам дарров сезардилар. Сўнг дарров уйларига индамай кириб кетардилар. Мен болаларимнинг жонкуяри, дуоғўй, покдамон бу аёлни ранжитиб қўйганимни ҳис этиб, ич-ичдан эзилардим. Эрим ҳам шундай аҳволга тушарди. Шундан сўнг дарров ярашиб, апоқ-чапоқ бўлиб кетардик. Гоҳида аразлашларимиз кўпайиб қолса, қайнонам мени четга тортиб насиҳат қилардилар. «Эркак кўчанинг кишиси, уйга меҳмондек келиб-кетади, болам, — дердилар. — Рўзғорнинг баланд-пастини ҳам у сизчалик билмайди. Турмушга сал енгилроқ қарайди бу эркак халқи. Иззатини қилмасангиз, яна кўчага чиқиб кетаверади у. Сиз бўзлаб қолаверасиз. Бир нима деса, оғзингизга тош солинг, тамом. Эркакнинг сизни тушуниши учун анча йиллар керак, ҳали...»

* * *

Тўққиз ўғил, беш қиз, бир қам қирқ набира — буларнинг ҳаммаси Фотима аянинг жону жаҳони. Ўғил-қизларнинг бари эл ишига яроқли, бир-бирларининг ва ота-оналарининг иззат-ҳурматини кўзлари устида тутишади. Оила эгалари болаларига тўғрилик, ҳалоллиги поклик ҳақида соатлаб насиҳат қилишга вақтлари бўлмаган. Фақат, ўзлари бу борада фарзандларига ўрнак бўлишган, холос. Аслида тарбиянинг энг қулай йўли ана шу. Ахир, минг марта эшитгандан, бир бора кўрган афзал, дейдилар-ку. Эру хотин икковлари Гулистон туманидаги «Қизилобод» жамоа хўжалигида ҳалол ишлаб, рўзғор тебратишди. Ун тўртта хонадоннинг эгалари бўлажак ҳар бир фарзанд тўғри яшаш илмини ўз ота-оналаридан олдилар, эзгу-эътиқодлари ўзларига эш бўлди...

Гулчеҳра ЖАМИЛОВА.

Хушхабарлар

СОВҒА ҚИЛИНГАН УЙЛАРДА

***СИРДАРЁ.** Тажрибали шоферлардан Комил Қурбонов билан Фарҳод Маллаевлар оиласида ҳовли тўйлари нишонланди. Уларга жамоа ҳисобидан қурилган янги уйлар армуғон этилганди. Ховос туманидаги 71-«Фарҳод» автокорхона ҳиссадорлик жамияти раиси Раҳматулла Қаршибоевнинг таъкидлашича, ҳар бири тўрт хонали бу уйларга жами 560 минг сўм сарфланган. Жамоа аъзоларининг аксарияти ҳовли жойларга эга. Ҳозир, муҳтож яна тўрт оилага атаб янги уйлар қурилмоқда.*

Абдужалил УМАРОВ.

«ЧЕҲРА»ДА ХАРИДОРГИР МОЛЛАР

ҚАШҚАДАРЁ. Усмон Юсупов туманининг Миришкор қишлоғида фаолият кўрсатаётган «Чеҳра» хусусий кичик корхонаси чеварлари харидоргир маҳсулот чикариб, кўпчиликни мамнун қилишмоқда. Чеҳра Тўракулова, Адолат Мардонова, Санобар Қурбонова, Муқаддас Ёмғирова кўлидан чиққан костюмшим, кўйлак ва ҳар ҳил тўнларга талаб катта. Аҳолидан кунига 20га яқин буюртма қабул қилинмоқда.

Равшан НИЁЗОВ.

БЕМИННАТ ЁРДАМ

***ФАРҒОНА.** Данғара туманидаги Х. Худойбердиев номли жамоа хўжалиги қишлоқлари анча олисда. Шунга қарамай «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси вилоят бўлими ташаббуси билан малакали шифокорлар қишлоқ оралашмоқда. Улар Германияда ва Японияда ишлаб чиқарилган «УЗИ» аппарати ва бошқа замонавий ускуналар ёрдамида оналар ва болалар саломатлигини кўрикдан ўтказдилар. Кам таъминланган оилаларга беминнат ёрдам берилди.*

Алишер ИБОДИНОВ.

БОЛАЛАРИНИ СОТМОҚЧИ

Ҳа, сиз билан биз қуникмаган шов-шув. Ўз болаларини сотиб кун кўриш... Билмадик, ҳатто нима деб аташга тил ожиз. Бироқ реал воқелик бу. Яқинда вологдалик бир аёл «Экспресс-медиа» газетаси таҳририятига таҳририят ходимларини ҳам ҳайратда қолдирадиган эълон кутариб келди ва бу эълонни газетада чоп этишларини утиниб суради. Унда аёлнинг беш нафар фарзанди сотилиши ёзилганди...

Аниқланишича, аёл бундан икки йил муқаддам ишдан бушатилган, турмуш ўртоғининг эса маоши жуда оз, оилани тебратишга етмайди. Шунинг учун аёл болаларини сотишга, сотгандаям ўзига тўқ, сахий, кунгилчан, қисқаси энг яхши фазилатларга эга бўлган одамларга сотмоқни ният қилибди. «Ахир мен онаман, фарзандларимни сотиб олган одамлар кейинчалик мен бориб болаларимни кўриб туришимга имкон берадиган бўлсин», дейди она. Яна унинг айтишича, бир ёшлик боласини 3 миллион Россия рублига, каттароғини эса 15 миллионга сотмоқчи.

50 ЁШЛИ ГОР ОДАМИ

Эроннинг Исфахон вилояти ижтимоий таъминот идораси ходимлари томонидан кимсасиз жойдаги тоғда ёввойи одам ушланди. Ярим яланғоч ҳолда юрган бу одам 50 ёшларда бўлиб, кишилардан яшириниб, ғорда яшаган. У аввал одамлар орасида - жамиятда яшаган бўлишига қарамай, гапиришни, ҳатто ўз исми-шарифини унутган. Маълум бўлишича, бундан 30 йил муқаддам у хотини билан жанжаллашиб, уйидан чиқиб кетган ва уша-уша тоғдаги ғорда яшаган, ақалли бирор марта кишилар билан мулоқотда бўлмаган.

Ижтимоий таъминот идораси вакиллари уни даволаш учун шифохонага ётқизишган эди, аммо... у жамиятга кунликолмади, шу куниёқ қочиб кетди.

ЎТА ЖИДДИЙ МУВАФФАҚИЯТСИЗЛИК

Россиянинг сайёраларо «Марс-96» станциясининг ҳалокати — бу жиддий муваффақиятсизликдир, деб ёзади «Дэйли Телеграф» газетаси. Бу муваффақиятсизлик Россиянинг Қуёш тизимини тадқиқ этиш дастурига кучли ва ҳал қилувчи зарба берди. Россия ҳозирги пайтда ҳеч қандай молиявий имкониятларга эга бўлмай туриб, Марс сайёрасини ўрганишга катта куч-қудрат сарфламоқда. Айни пайтда эса ушбу лойиҳага 64 миллион доллар сарфлаб бўлинди. Эндиликда, деб ёзади газета, Марс сайёрасини тадқиқ этиш Америка Қўшма Штатлари зиммасига тўла тушади. Бироқ шунга қарамай Россияни ҳам эсдан чиқариш, «Дейли телеграф»нинг фикрича ярамайди. Технологияси эскириб қолганлигига қарамай Россия коинотни тадқиқ этишда улкан тажрибага эга. Унинг коинотга чиқарилаётган кемалари конструкцияси оддий бўлса-да, ишончли бўлиб, инсоният учун катта фойда келтириши мумкин.

«ТОЙОТА»НИНГ ИМКОНИЯТЛАРИ КЕНГАЙМОҚДА

Японияниг «Нихон Кейдзай» иқтисодий газетаси хабар беришича «Тойота» биринчи бўлиб оммавий равишда «гибрид» автомобилларни чиқарувчи дастлабки компания бўлиб қолади. Бу автомобилларнинг двигателларида бензин билан бирга электр энергияси ҳам ишлатилиши мумкин. Янги авлод автомобилларининг дастлабкилари «Тойота» конвейеридан 1997 йилнинг охирларида тушади ва унинг нархи бор-йўғи 22 минг АҚШ долларини ташкил этади. Шуниси қулайки, «гибрид» автомобили бир литр бензин сарфлаб туриб, соатига 30 км. йўл босиши мумкин. Бу эса шундай тизимдаги машиналарга солиштирилганда икки баравар афзалдир. «Нихон Кейдзай» газетасининг таъкидлашича, аҳолининг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш муаммоларига нисбатан ўсиб бораётган қизиқиши автомобилсозлик компанияларини ҳатто электромобиллар ишлаб чиқаришга мажбур қилмоқда. Бироқ, электромобилларни оммавий равишда ишлаб чиқаришнинг келажаги унчалик порлоқ эмас. Чунки «Тойота»нинг «гибрид» автомобилларининг нархи уларнинг нархидан кўра икки баравар арзонроққа тушади.



БОШ ВАЗИР ҲАҚИДАГИ УЙДИРМАЛАР

Белгиянинг немис тилида чиқадиган «Гренц Эхо» газетаси Россия Бош вазири Виктор Черномирдин ишдан кетади, деган шов-шувларга бағишлаб мақола эълон қилди. Газетанинг сиёсий шарҳловчилари фикрича, Черномирдин ишдан озод этилади, деган гаплар Россиянинг собиқ хавфсизлик кенгаши котиби Александр Лебедь номидан тарқалган. Лебедь эса ўз навбатида Президент маъмурияти раҳбари Анатолий Чубайсга ҳам зарба бермоқчи бўлди. Шунингдек, газета ушбу хабар ҳақиқатга тўғри келмайди, деб ёзди. Анатолий Чубайс ўз фаолияти доирасидан чиқиб, юқори лавозимларга интилмоқда, деган гаплар ҳам ёлғон-яшиқдан иборат, деб таъкидлайди газета.

РИМ ПАПАСИНИНГ ЭСДАЛИКЛАРИ

«Филадельфия Дэйли Ньюс» газетаси шу ҳафтада эълон қилинган Рим папаси Иоан Павел иккинчининг эсдаликлари ҳақида ёзади. Унда Папа нацистлар томонидан босиб олинган Польшадаги ёшлиги ҳақида ҳикоя қилади. У руҳонийлар сафига қўшилгани учунгина концлагерларда азоб чекишдан қутулиб қолган. Муаллифнинг таъкидлашича, Рим папаси ёшлигида келишган йигитлардан бири бўлган. Лекин у айрим саргузаштлардан ўзини олиб қочган. Тўғри, Католик черковининг раҳбари бу ҳақда гапиришни ёмон кўради. Уша пайтларда у театрни, шунингдек, Польша адабиётини яхши кўрарди.

ЖАҲОН СПОРТ МАЙДОНЛАРИДА

· ЕНГИЛ АТЛЕТИКА. Япония пойтахти Токиода «Фақат аёллар» деб номланган анъанавий халқаро марафон турнири ниҳоясига етди. Унда 30 ёшли япон аёли Нобуко Фужимуа ғолиб бўлди. Иккинчи ва учинчи ўринлар эса югуриш бўйича португалиялик жаҳон чемпиони Мануэлу Мачадо ва буюк биртаниялик Лиз Макколгенга насиб этди.

Бу гал спортчилар 42 километру 195 метрлик масофага югуриш бўйича ўзаро куч синашдилар. Ғолибликни қўлга киритган японияли спортчи аёл мазкур масофани 2 соат 28 минут ва 58 секунд ичида босиб ўтди.

***

· ОЛИМПИАДА — 2004. Мексиканинг Канкун шаҳрида 2004 йилда бўлиб ўтадиган Олимпия ўйинлари мезбони бўлишга номзод шаҳарларнинг тақдимот маросими ўтказилди.

Маълумки, 2004 йилги Олимпия ўйинлари соҳиби бўлишга айни вақтда 11 та шаҳар даъвогарлик қилмоқда. 1997 йилнинг март ойида ана шу номзод-шаҳарлар ўртасида илк саралов ўтказилади. 1997 йилнинг сентябрь ойида эса Лозанна шаҳрида « Олимпия — 2004 » соҳиби узил-кесил аниқланади.

Германиянинг «Шпорт интерн» газетаси ёзишича, Россия Федерациясининг Санкт-Петербург шаҳри умумий рейтингда номзод-шаҳарлар рўйхатида олдинги ўринлардан бирини эгаллаб турибди.

***

· ВОЛЕЙБОЛ. Токиода ўтказилаётган аёллар ўртасидаги волейбол бўйича суперкубок ўйинлари ниҳоясига етай деб қолди.

Сўнгги турда таиландлик спортчиларни 3:0 (15:7, 15:2, 15:4) ҳисобида маглубиятга учратган бразилиялик волейболчилар етти очко жамғариб, турнир жадвалининг юқори поғонасига кўтарилдилар. Иккинчи ва учинчи ўринларни эса ҳозирча Хитой ва кубалик спортчи қизлар жамоаси ўзаро тақсимлаб турибди.

***

· БОБСЛЕЙ. Яқин кунлар ичида Германиянинг Винтерберг шаҳрида бобслей бўйича «Велтингс — Кап» деб номланган Халқаро мусобақа бошланади.

Ҳали оммавийлашишга улгурмаган мазкур спорт тури мусобақалари, Халқаро спорт кузатувчиларининг фикрича, бу йил ниҳоятда кескин ўтиши кутилмоқда. Мусобақага тикилган катта соврин ҳам бундан дарак бериб турибди. «Велтингс — Кап» мусобақаси бу йил ўн бешинчи маротаба ўтказилаётгани учун ўндан зиёд мамлакатдан спортчи таклиф этилган. Мусобақанинг ўзига жалб этадиган яна бир томони шундаки, унинг илк босқичидан муваффақиятли ўтиб олган жуфтлик чаначилар камида уч минг немис маркаси соҳиби бўлади. Ғолибларга эса олти минг маркадан пул мукофоти тақдим этилади.

Қизиғи шундаки, ўзининг моҳирлиги билан машҳур немис бобслейчилари мазкур мусобақада қатнашишдан мутлақо бош тортди. Германияда чоп этиладиган спорт рўзномаларидан бирининг ёзишича, спортчилар Швейцарияда бўлиб ўтадиган бобслей бўйича жаҳон чемпионати дастлабки босқичида қатнашиш учун қаттиқ тайёргарлик бошлаб юборгани боис ана шундай қарорга келган.

Эзгулик

ОТНИ АЁЛ ЭГАРЛАГАНДА...

Буюклик. От буюклик рамзидир. Аёл эса шунга интилиб яшайди. Кўҳна тарих аёлнинг отга бўлган эзгу боғлиқлик риштасини ўз қатига яшириб олгандек гўё. Яширганича бордир, бугунги техника асрида унга эҳтиёжмандлар кўп эмасдир.

Шарқда от жангу жадалдаям, осуда турмушдаям бирдек асқотган. Ўтмишда ҳам шундай бўлган отга нисбатан зарурат. Бу янги гапмас. Аёлларнинг унга ихлоси заминнинг ҳар гўшасида бирдек. Бу ҳақда кўпда айтавермаймиз. Тўғри, аждодларимиз, аёлларнинг от билан боғлиқ кўплаб ибратли воқеаларини биламиз. От инсонинг содиқ йўлдоши. Шу ҳақда мисоллар кўп. Аёлчи? Буюкликка интилгувчи туйғуси нима? Шу ҳақда биринчи бор мушоҳада қилишим, тўғриси.

От — Буюклик дея изоҳлаганда шарқ аждодларимиз тасаввуримизда гавдаланиши табиийдек менга. Аслида аёл борки, омонлик тиласа-да, соғлиқ тиласада, фарзандига камолот истаса-да, «Отдек!» буюкликни бахшида қилмоқчи бўлади. Бу туйғу на Ғарб, на Шарқ, на миллат ёхуд мазҳабидан истисно. Аёлга хос. Аёлки буюкликка ошуфтадек назаримда.

Жаҳон халқлари урф-одатлари, айниқса, аёлларининг ўтмиши, бугунини қизиқиб кузатаман. Дунёнинг машҳур аёллари ҳақида турли-туман воқеа-ҳодисалару, улар эришган «чўққилар»ни махсус дафтарчамга ёзиб қўяман.

Амин бўлдимки, кўпда аёллар тулпорга фарзандига туйган меҳрни ҳис этаркан кўнглидан. Дунёга машҳур кишилар, аёллар ҳам, минг тараққиёт чўққисига чиққан юртда яшамасин барибир шу Буюкликка нисбатан қалбида фақат илиқлик сезади.

Жаҳон эстрада юлдузи Тина Тёрнер «Тулпор» видео-клипи билан «юлдузлик» мавқеини янада мустаҳкамлаб олди. Ундан кўп сўрашаркан: «Нега энди от ҳақида кўп куйлайсиз? Нима, бошқа мавзу йўқми?» Қўшиқчи бу саволни ҳақоратдек қабул қилади. Лекин шундай фикрловчиларни «гумроҳ» дея ачинади. «Юксаклик, Буюклик сари йўл турганда тубсиз жарлик сари юрармидингиз? От Буюклик!» дея саволига кескин жавоб қайтаради. Ўйловдимки, Тина тинимсиз машқлар, репитициялардан сўнг ўзининг Оқтулпори ёнига келиб руҳан дам олса керак. Йўқ, у тонгни оти билан қаршиларкан. Негаки, кунни у эзгу мақсад билан буюклик сари бошларкан.

Аслида ҳаёт оддийлик билан бекаму-кўстдек. Машҳурлар эса кўпмас. Англиялик Сюзан Нэтер ҳеч ам машҳур эмас. Сюзаннинг Мидлсекдаги осудагина кечмиши, оддий ўзбек қишлоқ аёлиникидан кўпам фарқланмайдиям. Ўзининг шотланд зотидан Фудж лақабли понисига, пакана отчасига ғамхўрлигидан фикрим янада қатъийлашди. Фуджининг бўйи бирам пастки-атиги 50 сантиметр. Шунақа кичкина тақа қаерда бўлсин. Бекаси унга оёғига лойиқ тақаланган этикча тиктириб берибди. «Оёғи депсинганда тирналмасин, ахир уям боладек нозик-ку...» Аёл шундай изоҳлайди буни.

Бундай воқеалар беҳисоб. Шулар ҳақида ўйлаганда болалик хотирамга ўрнашиб қолган воқеани ёдладим. Онамнинг айтишларича, ҳамма опаларимга, менга ҳам қишлоғимиздаги Турсун момо доялик қилган экан. Ҳаммамиз «момо» дердик. Ҳатто яқингача момомнинг исмларини билмаганман, фақат «момо» деб чақирардик-да. Юз ёшни қоралаб оламдан ўтдилар. Эсимда элас-элас, отамнинг оти бўларди, негадир солиқчиларми, текширувчиларми келганда «беркитиб» қўярдик. Отимизнинг янги туғилган қулуни ҳадеганда ўрнидан турамасмади. Уйда отам йўқ экан. Онам шошиб қолди. Ҳовлиқиб «момонгни чақириб кел» деб мени чоптирди. Момом келиб қулунни ювиб-тараб бурнидан пуфладилар. Қизғанибми, ажабланибми сўрагандим: «Момом энди тойчоқнинг ҳам момосими?» Момом билан онам негадир индашмади. Қистайверганимдан сўнг онам бироз койиб «катта бўлсанг тушуниб оларсан» деганди. Момом эса: қулунчанинг мурғаклигини қара, худди чақалоққа ўхшайди. Фақат унинг йўргаги йўқда... Униям авайлаш керак, қани ўзинг ҳам қарашворчи...» деб қўйганди. Йўргаксиз чақалоқ — тойчоқ бўлди, от бўлди, неча-неча наслларини кўрдим. Лекин ўша қулунчани ювиб-тараган момомнинг гапи ҳамон эсимда турарди.

Бу воқеалар бир қарашда ҳеч ам бир-бирига ўхшамайди. Ўша европалик аёллар билан момом ўртасидаям ҳеч қандай ўхшашлик, боғлиқлик йўқдек. Лекин момом айтган бир ҳақиқатни энди тушунгандекман. Аёл наинки Буюкликка интилади. Унга юрагида меҳр туйиб яшайди. Меҳрини беради. Отни аёл эзгуликка йўйиб севади. Воқеалар боғлиқмас. Англаган ҳақиқатим: аслида аёл маънан Буюкликни эзгуликка эгарларкан. Отни аёл эгарласа... Улар қаерда Буюкликни эгарлаганда, воқеалар боғланмасин, майли. Эзгу Буюклик эса битта назаримда.

Саида БОНУ.

УЙҚУДА ЎҚ ТАЪСИР ҚИЛМАЙДИМИ?

Американинг шаҳарларидан бирида яшовчи эрхотин Чарлера Пол билан Анна Кестелин кечқурун жанжаллашиб қолишди. Бироқ эр ўзини босди ва ухлашга ётди. Ҳеч қанча вақт ўтмай хуррак ота бошлади. Шунда Анна эридан ўч олмоққа шайланди ва ... шартта пистолетни олиб, Полнинг қорнига қарата...Пол хуррак отмай қолди. Анна «ўзига келгач», қилган ишидан қўрқиб кетиб боши оққан томонга қочди.

Пол эса бир қанча вақтдан кейин «ошқозон оғриғи» билан уйғонди ва оғриққа қарши икки дона дори ичди. Бироқ оғриқ қолмади, шунда дўхтир чақирди. Пол дўхтирнинг «ошқозонингизда ўқ бор» деган гапидан лол қолди ва тезда касалхонага ётишга розилик берди.

Энди у касалхонада соғайишини кутиб ётибди, Анна эса қамоқда қилмишига яраша ҳукмни кутмоқда.

ҲУШЁРХОНА - ИККИНЧИ УЙ

Нижегород вилоятининг Сергач тумани марказида туман ҳушёрхонаси яқинда ўзининг 30 йиллик юбилейини нишонлади. Шу муносабат билан ҳушёрхона маъмурияти бу ерда энг кўп «меҳмон» бўлган кишини аниқлашди. У Н. Парамонов деган киши бўлиб, ўзиям 88 марта ҳушёрхонада «ҳушига» келган экан. Туман газетаси бу кўрсаткич «Гиннеснинг рекордлар китоби»га киритса «арзигулик» факт эканлигини маълум қилди. Дарвоқе, ҳушёрхона ташкил этилгандан бери бу ерда 50 минг 280 нафар киши «меҳмон» бўлиб кетибди. Юбилей нишонланган кун эса 29 киши «ақлини таниган».

Ўзга сайёраликлар Қуёшни «қорайтирди»

ЯПОНИЯ. Миясакалик астроном олимлар Японияда ги Қуёш тутилиши ҳодисасини бошқача изоҳлашяпти. Улар Миясакада охирги икки соатдан ортиқ Қуёшнинг тим қора тусда бўлиб «тутилиши»ни ўзга сайёраликларнинг сояси деган фаразларни айтяпти.

— Гарчи бу ҳодиса Қуёш «қорайиши»га ухшаса-да, — дейди профессор Асуса Харано, — аслида курраи заминимиз узра «учиб» юрган юзлаб ўзга сайёраликларнинг Қуёшни тусиб қўйишидан Ер юзига тушган соядир. Тўғри, фаразларимиз ҳали фанда ўз исботини топгани йўқ. Лекин фанга номаълум бўлса-да, ўзга сайёраликлар борлиги ҳақиқатга айланиб қолдику?

Япон мутахассисларининг фаразларида жон бордир. Лекин Миясакадаги бу сафарги Қуёш қорайишини дунё астрономлари ҳам «бошқачароқ»лигини таъкидлашяпти.

ҚАДИМИЙ ТОШ ЁЗУВ

Миср. *Хелван дунёдаги қадимий маданият ўчоғларидан бири ҳисобланади. Археологлар яна бир ўтмиш тарихини очдилар. Қазиш ишлари давом этаётган ҳудуддан қум остида тошга битилган ёзув — ноёб топилма чиқди. Тош ёзувнинг ҳажми энг қадимий ёзув — Сфинскидан тўрт баравар ортиқдир.*

— Қадимий тош битик 130 метр ер қаърида сақланиб қолган экан, — дейди репортёрларга мутахассис олим Самир Шоҳид.

Ҳукм ўқилди

КАМИШЗОР УЗРА ЧИҚИБ

Боқиевнинг «фармойиши» узил-кесил бажарилди. Ҳам қўркув, ҳам совуқдан титраган Адҳамжон зимистонда ёлворганча қолди. Эшик қарс-қурс ёпилиб, машина мотори ўт олдирилди. Яхши ният билан йўлга чиққан ҳокисор инсон — А. Мирзараҳимовнинг ўзи, тақдири қоронғиликда қолди. У мадад кутиб, нажот излаётган чоғда уюшган гуруҳ унга тегишли «Жигули»ни оч бўридек титарди. Машина юкхонасидаги 500 000 рублниям топиб олишди. Омадли эканликларидан бошлари осмонга етиб, ичкиликка зўр бердилар. Навбати билан наша тортдилар. Тонгни улар кайфда, Адҳамжон азобда ортгирди.

Эшикнинг очилиши Адҳамжонда умид уйготгандир. Инсофга келишгандир, деган ўйга боргандир. Аммо ундай бўлмади. Кечаги зуравонлар уни уша ҳолатда ўз машинасига тиқишди. Сўнг қандайдир ҳовлига киришди. Бу хонадон тўрт ҳамтовоқнинг ҳам таниши бўлмиш Камолжон Мирзалиевники эди. Тонгдаёқ Камолжон Боқиевдан топшириқ олганди.

— Аёлингни отасиникига жўнатиб юборасан. Тошкентдан нозик меҳмон бор. Нонушта қиламиз. Тушундинг-а.

Боқиевнинг феълидан бохабар К. Мирзалиев таклифни лом-мим демай қабул қилди. Келишилган пайтда дарвозасини очиб оқ «Жигули»ни қарши олди. Ундан тўрт «қадрдони» ва танғиб ташланган «меҳмон» тушди.

— Нега у боғланган?

Камолжоннинг ҳайратомуз саволига қисқа жавоб қилдилар.

— Отверка ўқталганди.

— Нонушта айшу ишратга уланди. Еб-ичиб, маза қилдилар. Кечгача қозон қайнади, оғиз чайнади. Дам олишни қиёмига етказгач қўзғолдилар. Ҳануз умидсизланмаган Адҳамжоннинг илтижолари ҳавога учди. Уни турткилаб яна орқа ўриндиққа ўтқаздилар.

— Изни йўқотишимиз керак. Ушанда хотиржам бўламиз.

Боқиев шундай дея йўлни Қирғизистон тарафга оларкан мақсадини очиқ айтди.

— Уни қўйиб юборсак, милицияга гуллайди. Қирғизистон томонларда ўлдирилса, ким қидирарди буни?

«Шеф»нинг «доно» маслаҳати гуруҳ аъзоларига маъқул тушди.

— Йўқ, ундай қилманглар. Майли машинани олинг, пулни, тилла буюмларни олинг. Органга хабар қилмайман. Фақат ўлдирманглар. Жоним омон қолса бўлгани. Ҳаммасига розиман. Илтимос, ўлдирманглар! Ёш болам бор. Раҳмларинг келсин. Сизларни сотсам худо урсин. Ўлдирманг мени, барака топгурлар. Ишонинг. Йигитлик сўзим. Айтмайман...

Адҳамжон қанчалар ёлворма-син, ваъда қилмасин фойдаси йўқ эди. Вужудини ёвузлик қамраган тўрт жаллод унинг ҳаётига ойд ҳукмни ўқиганди. Олабуқа туманидаги Алмалуу-сой узра чўзилган қамишзор даҳшатнинг гувоҳи бўлди. «Шеф»нинг ишорасидан кейин Раҳмонов, Зоҳидов, Мирзаумедов шофёрни сой бўйига олиб тушишди. Қўллари совигунча урдилар, тепдилар. Ҳақоратли сўзлар тинимсиз ёғилди.

— Ўлдиринглар!

Боқиевнинг қатъий буйруғи эди бу. Уша заҳотиёқ бир пас тин олган мушт, оёқ боз ишга тушди. Ҳайдовчи аёвсиз тепкиланди. Кейин Раҳмонов қўлидаги арқонни оғриқ зарбидан инграб, ҳамон илтижо қилаётган Адҳамжоннинг бўйнига ташлайди. Буғади. Мирзаумедов жон талвасасида хириллаётган ҳайдовчини баттар қийнайди. Пичоқ дастаси билан уради. Зоҳидов эса югурганча машинадан канистрдаги бензинни олиб келади .

— Бу ёққа бер.

Мирзаумедов Зоҳидовнинг қўлидан бензинни олади-да, жон таслим қилган Адҳамжоннинг жасади устига тантанавор қуяди. Сўнг мурдани ёқиб юборади. Бир зум одамнинг ёнишини томоша қилишгач ортга қайтадилар.

— Кимки бировга айтса, уни бунданам баттар қиламан.

«Шеф» айтганини бажаришини қотиллар билишарди. Уша учунми миқ этмай бўйин эгдилар.

* * *

Марҳум Адҳамжоннинг аёли Насиба уша кезлари ота-онасини кўргани Ҳаққулобод шаҳрига кетганди. Уч-тўрт кун жигарбандлари қуршовида булгач у Тошкентга қайтиш ҳозирлигини кўради. Бу ҳақда хўжайинини огоҳ этадиям. Келишувга биноан Адҳамжон аёлини темир йўл вокзалида қаршилаши лозим эди.

1992 йилнинг 22 ноябри. Намангандан чиққан поезд Тошкент темир йўл шоҳ бекатига келиб тўхтади. Йўловчилар бирин-сирин тарқала бошладилар. Боласини етаклаб олган Насиба турмуш ўртоғи кутиб олиши керак бўлган жойга келди. Адҳамжон йўқ. Кутди. Сўнг койинакойина уйга йўл олди. Қараса эшик берк. Гаражда машина йўқ. Минг бир хаёлда кунни ўтказди. Ҳавотири ошди. Худди шу пайти Раҳмоновнинг таниши, машина устаси Исохонов Адҳамжондан босқинчилик ва уни ўлдириб тортиб олинган «Жигули»ни қисмларга бўлиш билан овора эди. Исохонов машинанинг техник паспортисиз, давлат белгиси бўлмагани ҳолда ўзидаги мосламалар ёрдамида кесиб, майдалаб уйида сақлайди. Уюшган гуруҳ томонидан берилган 2000 рублни хизмат ҳақи сифатида чўнтакка уради. «Жигули»нинг қаноти ва олди ўнг эшигини ўзининг пачоқ бўлган машинасига қўйиб олади. Келишувга кўра қолган қисмларни Муминов ва Қаюмов деган харидорларга бериб юборади. Улар эса арзон-гаров эҳтиёт қисмлар учун Боқиевга 65 000 рублни қистиришади.

Бировнинг мулкига кўз олайтириш, уни босқинчилик орқали эгаллаш, нафси йўлида ҳар қандай қабиҳлик — одам ўлдиришданам ҳайиқмайдиган қора гуруҳга бева қолган аёлнинг фарёди, отасиз ўсажак фарзаднинг изтиробимас мол-дунё афзал кўриндиқ Йўқса, машина деб, пул-буюмни деб беозор бир инсоннинг умрига зомин бўлишармиди? Жамиятимиз учун ўта хавфли шахс ҳисобланган Шавкат Боқиев, Бахтиёр Мирзаумедов, Собиржон Зоҳидов, Рустам Раҳмоновлар Наманган вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг ҳукмига кўра олий жазо — ўлим жазосига ҳукм қилиндилар.

Ҳукм ижро этилди.

Оғир жиноят содир этилганини била туриб, бу ҳақда тегишли органга хабар қилмагани учун қолган иштирокчилар ҳам қилмишларига яраша-сини олдилар.

Энди бир савол туғилади. «Бу иш қандай очилди», деган. Адҳамжон қидириб юрилган кезлари қирғизистонлик ўрмон қоровуллари чала ёнган мурдани кўриб қоладилар. Милиция хабардор этилади. Икки йилдан кейин Республика прокуратураси терговчиларининг маҳорати, тажрибаси, ишни мукаммал, пухта, режали ташкил этгани туфайли жиноят очилди.

Шу тариқа яна бир уюшган гуруҳ таг-томири билан йўқотилди. Жабрдийдага келтирилган зиёнлар қопланди. Лекин у ота дийдорига туймаган фарзаднинг юрак тафтини босолмайди. Чунки падари бузруквор ўрнини ҳеч ким, ҳеч нарса қоплолмаган. Қоплолмайдиям.

Муҳиддин МУСАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси прокуратураси жиноятларни тергов қилиш бошқармаси бошлиғи.
Курбон АЛИ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

(Охири. Боши газетанинг ўтган сонида).

Ф СП - 1

"ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ"
(нашр номи) (нашр кўрсаткичи)
рўзномасига ОБУНА
обуна сони
1997 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Қаерга
(почта кўрсаткичи) (манзил)
Кимга
(насаби; исми ва отаси исмининг бош ҳарфлари)

РЎЗНОМАНИ ЕТКАЗИШ ВАРАҚЧАСИ

п. в.	жойи

(нашр кўрсаткичи)

"ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ"
(нашр номи)

обуна янги манзилга юборилиш	баҳоси	сўм	обуна сони
	баҳоси	сўм	

1997 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Қаерга
(почта кўрсаткичи) (манзил)
Кимга
(насаби; исми ва отаси исмининг бош ҳарфлари)

Обуначи бурчаги

... ЯРМИ ЧИН МАСЛАҲАТЛАР

· Агар болангизни боғчага бермоқчи бўлсангиз, дераза пардаси, осма сунъий гул, узининг ўтиришига стулча, тақсимча ва қошиқ олиб боришни унутманг.

· Агар қўйларингиз кўп бўлса, қоғоз ва целлофан халтачалар, ҳар хил қути ва ёғочлар зарур бўлса — эрталаб шаҳар аҳлатхоналарини айланиб чиқинг.

· Мабодо касалхонага ётмоқчи бўлсангиз, ўзингиз билан чойшаб, керакли дори-дармонлар, курпа-тўшак, ёстиқ олволинг.

· Автобусга пулсиз ё йўл ҳужжатисиз чиқсангиз манзилга етгандан кейин эмас, йўл бошида бу ҳақда ҳайдовчини огоҳлантиринг.

· Метро билан трамвайнинг фарқини (йўлқираси бирлигини) тушунмаганлар трамвай электрсимга «осилиб», метро поезди эса электр рельсга «ёпишиб» юришини унутмасин.

· «Бузоқнинг югургани сомонхонагача» деган мақолни ҳозир «Бузоқнинг югургани бозоргача» деб тушуниш керак.

· «Бозор курган эчкидан қурқ» ва «Уйдаги гап кучага тўғри келмайди» мақолларини «Бозор курган «тижоратчи»дан қурқ», «Уйдаги гап бозорга тўғри келмайди» маъносида қабул қилинг.

ПЎШТ, ГЎШТ КЕЛЯПТИ!

Қайси бозорга ёки шахсий кушхонага борманг, гўшт сероб. Бунинг нимаси ёмон, деяпсизми? Мутахассис Ҳалил Содиков баъзи фикрларни қоғозга туширган:

Биринчидан, сўйилган молларнинг бруцеллёз, туберкулёз — носоғлом эканини ким текширади? Илгарилари бундай касал мол гўшти махсус музлатгичларда 72 соат сақланар, сўнгра катта қозонларда пиширилиб, баклабораториядан ўтказиларди. Кейин бу гўшт колбасаларга қўшиларди.

Иккинчидан, авваллари йирик моллар вазни камида 450 кг., қўйлар тирик вазни 45 — 60 кг. бўлсагина сўйишга рухсат этиларди. Бўғоз молларни сўйиш таъқиқланган эди.

Учинчидан, харом ўлган мол гўшти илгарилари утил цехига топширилар, ундан омухта ем-мол озуқаси тайёрланарди. Чорвачиликни доллар орттириш «фронти»га айлантириб олган баъзи «ишбилармон»лар харом-харишнинг фаркини ҳам «унутиб» қўйишди. Шошиб турган харидор гўшт фаркини тезда ажрата олмаслигини ҳисобга олиб, худди барча егулик-ичкилик махсулотларга акциз маркаси ёпиштирган ташкилот сингари гўшт сотувчилар махсулотларига ҳам махсус муҳр — расмий ҳужжат берадиган ташкилот жорий этилса: ноҳалол сотувчига катта миқдорда жарима солинса ёки жиноят кодексининг харакатдаги тегишли моддасига биноан жазога тортиш масаласи ҳал этилса, ҳужжатлар сохта ё тўғри эканлигини билиш учун гўшт растага чиккунча прокуратура ходимлари текшириб, имзо чекишса... Бу — харидорлар соғлиғини муҳофаза қилишнинг асосий гаровидир.

ГИТЛЕР РУҲИЙ КАСАЛ ЭДИМИ?

... У отасининг учинчи хотинидан дунёга келган.

... Юқори синфларда ёмон ўқигани учун мактаб шаҳодатномасини олмаган.

... Тасвирий санъат академиясига биринчи гал имтиҳон топширолмаган, иккинчи марта умуман қўйилмаган. У «эркин рассом» бўлишни хоҳлаган.

... Қўлига нимаики тушса ҳаммасини саралаб ўтирмасдан ўқийверган.

... Гитлернинг ошқозонида газ тўпланиш давосини узоқ вақт ҳеч ким тополмаган. Ўзи унча ёқтирмаган Морель деган врач 1937 йилда унга бир дори ёзиб берадики, биринчи марта ўзини яхши ҳис этади. Шахсий врачи таклиф этган дори Швейцарияда янги очилган фирмада тайёрланиб, дори таркибидаги стрихнин дозаси аста-секин ошириб борилган. Гитлер тобора ўзини соғлом ҳис эта бошлагани учун врачга шубҳа билан қараган кишилар сўзини рад этган. 1944 йилда у Гитлерга бир йўла 28 хил дори ичишни тавсия қилган: стрихнинга атрофин деган дори ҳам қўшиб бера бошлаган. Охири унда фашист генераллари ва атрофида юрганлар жиннилик аломатларини яққол кўришган. Гиммлер уни энди «нонормал» одам, деб ҳисоблаган. Ҳолбуки Швейцарияда «камтарона бизнес» қиламан деб бойликка ҳирс қўйган табиб Теодор Морелни янги ишга келганидаёқ учинчи рейхдагилар, ҳатто Гитлернинг хотини Ева ҳам ўлгудай ёмон кўришган.

Шикоят дафтари ҳошиясидаги ёзувлар

· Паттачилар тайёрлайдиган янги факультет очилди.

· 120 килограммлик одам бозор тарозиларида 100 килодан чиқаяпти.

· Ҳозир чойхоналарда аския айтишмайдиган бўлишибди. Аския ўрнига акция ҳақида гапиришяпти.

· Боғча опалар семизу болалар озғин, рангпар бўлиб кетишяпти...

· Илгари севишганлар исмларини дарахт ва ўриндиқларга ёзишса, ҳозир видео ва долларга ёзишади.

· Бозорда энг арзон нима қолди? — Гап...

· Энг узун нарса-чи? — Ваъда...

· Ҳозир аравани қуруқ олиб қочса қаёққача бориш мумкин? — Ипподромгача!

· Ипподром — отчопарми? — Йўқ, мол чопар.

· Энг зўр қўшиқчи ким ҳозир? — Бир сўзни энг кўп такрорлайдигани.

· Балиғингиз ҳидланганми? — Янглишяпсиз, дудланган.

· Пул қўлнинг кирими? — Йўқ, чўнтакнинг кўри.

· Ҳозир бошланғич синф ўқувчисига «ота, она, меҳнат, инсон...» сўзлари ўрнига «бизнес», «коммерция», «маркетинг», «доллар» сўзларини ўргатишаяпти. «Бунинг нимаси ёмон?» — Юқори синфларда имон дарсини ўтишга тўғри келади-да.

НАПОЛЕОН АЁЛГА АЙЛАНГАНМИ?

Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, 1982 йилда англияда чиқадиган газеталардан бирида АҚШ табибининг мақоласи пайдо бўлди. У Наполеонга озоздан маргумуш берилгани туфайли рак бўлиб ўлган, деган фикрни рад этган. У ўта «ноёб» касалликдан вафот этган экан. Бу касаллик оқибатида у умрининг охирларида аста-секин аёлга айланган, деб ёзади муаллиф!

Доктор (ихтисоси эндокринолог) Наполеоннинг ўлимидан 12 йил олдин шу касаллик бошланганлигини ўзича исботлайди. Ундаги ички секреция безлари касаллиги аста-секин жинснинг ўзгаришига олиб келган, семизликни кўтаролмай гоҳида у бир неча кунлаб донг қотиб ухларкан. Шунда озоздан аёл қиёфасига кира бошлаган. Ҳаётдан кўз юмгач, император жасадини текширишганда бутун танасини қалин ёғ босиб кетган, елкалари худди аёлларникига ўхшаб қолган, қўллари ва оёқлари нозиклашган, унда фарзанд кўриш учун зарур ҳамма шарт-шароит етилган — ҳатто кўкраклари думдумалоқ бўлиб кетган. Вафотидан олти кун олдин Наполеон ўз врачига «сўнгги кунларим даҳшатли ва уятли...» деб айтган экан.

(«Обуначи бурчаги» материалларини Ҳамид ИКРОМОВ саралади).

Табиат ва инсон

СЎҚМОҚДА МАЙМОҚ ОЁҚ

Юртимиз ҳудудида қўнғир айиқлар кўпроқ тоғларда учрайди. Маймоқ оёқлар учун юқори тоғ ўтлоқлари, арчазорлар макон. Чотқол ва Пском тизма тоғларида тўқ жигарранг, ҳатто қора тусдаги, шунингдек оч сариғиш айиқларни учратиш мумкин. Қиш ойларида улар ҳам уйқуга киришади. Ғорлар, улкан ҳарсанг тошларнинг тагларига жойлашиб оладилар. Қизиғи шундаки, айни қиш пайтида болалайдилар. Ёрдамга муҳтож айиқчаларнинг кўзлари бир ойдан кейин очилади.

Маймоқ оёқлар асосан ўтўланлар, хусусан пиёзсимонлар, илдиз, турли ёввойи мевалар билан овқатланадилар. Бундай жониворлар 30 йилгача яшаши мумкин.

Тянь-Шань тизма тоғларининг шимолий-ғарб чўққиларида ўзига хос манзара ва иқлим мавжуд. Бу жойларнинг ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳам ўзгача. Овчилар кўпроқ тўнғиз, бўрсиқ, тоғ эчкиси, тулки, каклик каби жониворларга дуч келадилар. Бундай ҳайвонлар асосан қоялар ўртасидаги ўзига хос яссиликларда Пском ва Угом дарёларининг бошланғич қисмида кўпроқ учрайди. Сўқмоқлар бўйлаб юқорига кўтарилар экансан, қиррадор қоялар, қордан қалпоқ кийгандек чўққилар кўзга ташланади. Махсус мослаштирилган машинамиз осма кўприкдан ўтиб, Нанай қишлоғидаги ўрмончи уйи яқинида тўхтадик. Тоғ шароитида қайнатилган, турли гиёҳлар билан бойитилган қайноқ чойнинг оромбахшлиги ҳам бошқача бўлади.

Тажрибали ўрмончи Ниғматилла Миршоев ҳаётида кўпгина воқеаларни ва ёввойи ҳайвонлар билан учрашувининг гувоҳи бўлган. Ҳар сафар борганимизда Бирчумулла ўрмон хўжалигида юз берган қизиқ воқеалар ҳақида сўзлайди.

— Кузнинг охири ойи эди, — деб гап бошлади у. Қияликлардаги дов-дарахтларнинг барглари тўкилиб, ҳамма нарса кўзга ташланиб турарди. Тоғларга қуюқ қор тушиб улгурмаган. Бир куни кузги ёнғоқ ниҳолларидан хабар олгани бордим. Шу десангиз, сўқмоқда турганимча қотиб қолибман. Жадал юрганимда хаёл билан айиқни туртиб юборишим ҳеч гап эмасди. Маймоқ оёқ гавдасини тик кўтарганча мен томонга қараб турарди. Мен ҳам қимирламасдан, нигоҳимни узмай туравердим. Бир неча дақиқадан кейин, худди кимдир буйруқ берганидек бараварига икки тарафга қараб қочдик.

Худди шундай учрашувлардан бири ёзда бўлган. Атроф теваракни айланиб юриб, синалган сўқмоқ бўйлаб пастга тушиб борардим. Бирдан майда тошларнинг юмалаб, шитирлаётганини сезиб қолдим. Бундай қарасам, юқорида қояга тирмашганича оқ ёлдор айиқ турибди. Ёнида айиқча ўйноқлайди. Аввалига сал чўчидим. Кейин жониворларнинг дўстона «муомалада» эканидан ўзимга келдим.

Нима ҳам қиласан, ахир улар бу ерларнинг хўжайини-да.

Овчининг гапидан шу нарса маълум бўлдики, Пском тоғ тизмаларида айиқлар кўпаймоқда. Ҳозирча уларнинг қишлоқлар оралаб,одамларни безовта қилгани, уларга зиён етказгани ҳақида гап йўқ. Демак, маймоқ оёқларни нишонга олиш ман этилгани ўз самарасини бермоқда. Табиатимиз ўзига хос жонивор билан бойимоқда.

Мақсут МАХМУТОВ,
ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини қўриқлаш жамоатчи инспектори.

ИНДЕКС: Якка обуначилар учун — 64742
Ташкилотлар учун — 64567

Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати
Абдулла ОРИПОВ, Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ, Азиз НОСИРОВ, Одилжон ОЛИМЖОНОВ, Ислом ШОҒУЛОМОВ, Шуҳрат ЖАББОРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари), Аслиддин БОЛИЕВ (бош муҳаррир ўринбосари, «Осиё бозори» учун масъул), Владимир ЧЕБОТИН (бош муҳаррир ўринбосари — «Голос Узбекистана»), Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»), Александр ТЮРИКОВ (масъул котиб — «Голос Узбекистана»).

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ
ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:
Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 33-07-20, 36-33-40.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 33-11-49, 36-54-06.
Иқтисодиёт — 33-21-43, 36-57-22.
Фан ва маданият — 33-07-20, 36-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 33-76-04.
Ахборот ва спорт — 33-12-56, 36-55-16.
Халқаро ҳаёт — 33-20-36.
Реклама ва эълонлар — 33-38-55, 33-47-80.
факс — 33-54-55.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 24-16-48;
Бухорода — 3-54-87;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-31-86;
Навоийда — 3-75-43;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 7-58-83;
Самарқандда — 35-22-90;
Тошкентда — 33-12-56;
Урганчда — 6-51-35;
Фарғонада — 22-36-78;
Қаршида — 3-25-79;
Қумқўрғонда — 5-26-24.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КУЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.

Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир А. РЎЗИЕВ, навбатчи У. ФАЙЗИЕВА.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00120
•
Газета офсет усулида А—2 форматида 26.845 нусхада босилди
•
Ҳажми 2 босма табоқ
•
«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.
•
Г — 0627

Босишга топшириш вақти — 21.00.
Топширилди — 22.30
1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА

ҲУРМАТЛИ МУШТАРИЙЛАР!
ОБУНА ВАРАҚАСИНИ БЕХАТО ТЎЛҒАЗИШГА ҲАРАКАТ ҚИЛИНГ!

Агар обуна "Матбуот уюшмаси" агентлигида расмийлаштирилган бўлса, касса аппаратининг муҳри, алоқа бўлимларида расмийлаштирилганда эса тақвим штемпели, албатта, бўлиши керак.

Бу ҳолда обуначиларга абонемент билан бирга пул қабул қилинганлиги ҳақида квитанция берилади.

АЗИЗ ОБУНАЧИЛАР!

Рўзнома ва ойномаларга обуна варақчасини сиёҳли ручкаларда хатосиз, сўзларни қисқартирмасдан ва тушунарли қилиб тўлғазинг.

Обуначи ўз турар жой манзилгоҳи, насаби, исми ва отасининг исмини аниқ ёзиши талаб этилади.

Обуна варақчасидаги "ПВ-Жойи" деган ёзувли катакларни алоқа бўлинмалари ва "Матбуот уюшмаси" агентликлари ходимлари тўлғазади.

Спорт

ЭНГ ЯХШИ ЎЙИНЧИ

Футбол мавсуми якунланмоқда. Мухлису мутахассислар чемпионатнинг «Энг яхши ўйинчи» каби совриндорларни саралашга киришдилар. Маълумки, 1992 йили пахтакорчи Валерий Кечинов «Энг яхши ўйинчи» номига сазовор бўлганди.. Шундан кейин, унинг командадошларидан Миржалол Қосимов, Игорь Шквирин мухлислар эътиборига лойиқ кўрилди. Бултур эса навбаҳорчи Олег Шацких ана шундай ном эгаси бўлди. Бу йил «Энг яхши ўйинчи» номи кимга насиб этаркин? Мамлакат чемпионлари — «Навбаҳор» футболчилари эса «Йирик ҳисоб билан», «Энг сермаҳсул жамоа», «Муросасиз меҳмон», «Дастлабки довон» каби совринларга эга бўлишди.

ОЛИЙ ТАБАҚАГА ИККИТА ЙЎЛЛАНМА

Яна уч тур ўйинларидан кейин биринчи табақа жамоалари ҳам мавсумни якунлашади. Бугун навбатдаги учрашувлар бўлади. Хусусан, «Чилонзор» — «Гиламчи», «Зарафшон» — «Ёшлик» жамоалари майдонга тушадилар. Лекин бу ўйинларнинг натижаси муддатидан олдин олий табақага йўлланма олган «Зарафшон» ва «Чилонзор» жамоаларининг мавқеига таъсир кўрсатмайди. «Зарафшон» футболчилари 114 та очко жамғаришган бўлишса, «Чилонзор» ҳисобида 113 та очко бор. Аммо, биринчи лига билан хайрлашиши мумкин бўлган «Ҳисор», «Диёр», «Ёшлик», «Норин» «Ғазалкент» каби жамоалар учун ҳар бир очконинг қадри ортиб боряпти.

"ОЗИҚОВҚАТСАНОАТ" УЮШМАСИ

Мулкчиликдан қатъий назар барча савдо ташкилотларини озиқ-овқат маҳсулотлари Республика улгуржи сотув ярмаркасига

ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

Ярмаркада қандолат маҳсулотлари, нонвойлик ҳамиртурушлар, чой, алкогольсиз ичимликлар -минерал сув ва пиво маҳсулотлари бўйича 1997 йилга шартномалар тузилади.

ЯРМАРКА 25, 26, ва 27 ноябрь кунлари қуйидаги манзилда ўтказилади:

ТОШКЕНТ вилояти, Салар ГЭС посёлкаси, "Роҳат"ҳиссадорлик жамияти (аввалги Қибрай яхна ичимликлар комбинати).

Автобуслар: 491 - Луначарский марказидан. 53 - маршурут такси "Мустақиллик" майдони метро станциясидан- "Янги Тошкент консерва заводи" бекати.

Маълумот учун телефонлар: 63-87-09, 41-74-40.

Республика ИИВ раҳбарияти, ҳайъати ва шахсий таркиби Янгийўл шаҳар ИИБ бошлиғи, милиция полковниги **Акобир ҚОСИМОВ**нинг бевақт вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.